

**ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ
ЭТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ АЛГОРИТМИ****Ахмедов Жавохир Жамолович**

“Эл-юрт умиди” жамғармаси ижрочи директор ўринбосари

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: j.ahmedov0401@gmail.com

Тел: +99897-441-15-11

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда фармацевтика саноатининг инвестицион жозибadorлигини таъминловчи шарт-шароитларни кенгайтириш ҳамда унга таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур тармоқнинг инвестицион жозибadorлигини оширишда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ва уларнинг ечими, инвестицион ресурсларни самарали тақсимлаш тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Инвестиция, хорижий инвестициялар, капитал қўйилмалар, тўғридан-тўғри инвестициялар, инвестицион жозибadorлик фармацевтика саноати, фармацевтик компания ва корпорациялар, дори воситалари, тармоқнинг ишлаб чиқариш-инвестиция жиҳатидан тавсифи.

Аннотация: В этой статье, обеспечения начальных условий инвестиций в фармацевтической отрасли в Узбекистане и факторы, влияющие на них были проанализированы. Вопросы с точки зрения повышения инвестиционной привлекательности, которые необходимо решать в этой сфере и необходимые условия эффективного использования инвестиционных ресурсов исследованы.

Ключевые слова: Инвестиции, иностранные инвестиции, капитальные вложения, прямые инвестиции, инвестиционная привлекательность фармацевтическая промышленность, фармацевтические компании и корпорации, фармацевтика, производственно-инвестиционное описание отрасли.

Annotation: In this article, ensuring the initial conditions of the investment in the pharmaceutical industry in Uzbekistan and the factors affecting on them were analyzed. The issues in terms of improving the investment attractiveness which is needed to be addressed in this sector and the necessary terms of effective using of investment resources were researched.

Key words: Investments, foreign investments, capital investments, direct investments, investment attractiveness of the pharmaceutical industry, pharmaceutical companies and corporations, pharmaceuticals, production and investment description of the industry.

Кириш

Фармацевтика саноати жаҳон иқтисодиёти ва унинг таркибий қисмлари бўлган миллий иқтисодиёт таркибий тузилмалари шаклланишида тарихан нисбатан кейинроқ ташкил топган тармоқлардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти жуда тезлик билан ошиб бормоқда. Миллий иқтисодиётда фармацевтика саноатининг тутган ўрнини ёритиб беришда унинг ишлаб чиқариш-инвестиция жиҳатидан ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беришда, аввало, тармоқнинг замонавий тавсифидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги шароитда жаҳонда фармацевтика бозорининг жадаллик билан кенгайиб боришида фармацевтика саноати маҳсулотларига эҳтиёжнинг кучайиши сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Жумладан: жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида аҳоли турмуш даражаси ва моддий фаровонлик ошиб бориш билан соғлиқни сақлаш ва узоқ умр


кўришга эҳтиёжнинг тобора кучайиб бориши; жаҳон ҳамжамияти томонидан инсоннинг соғлиғи ва умр кўриш давомийлиги кўрсаткичи аҳамиятининг ошиб бориши; аҳоли сони ошиб бориши билан унга зарур дори-дармон ҳажми кўпайиши; янгидан-янги касалликлар аниқланиши ва уларни даволаш усул ва воситаларининг кенгайиши ва ҳ.к.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда фармацевтика саноати тармоғининг инвестицион жозибadorлигини тадқиқ этишда энг аввало тармоқнинг рентабеллик даражаси, тармоқ маҳсулотлари бозорининг жадал равишда кенгайиб бориши, тармоқ фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжудлиги ва тўлиқлиги, тармоқда фаолият юритиш, айниқса инвестициялар киритиш бўйича ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги, тармоқнинг ривожланиш истиқболи, унда фан-техника ютуқларидан фойдаланишнинг даражаси масалалари муҳим ўрин тутди

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш мазкур жараённинг нақадар мақсадга мувофиқлигини аниқлашни тақозо этади. Иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг муқобиллиги айни пайтда инвестицион ресурсларни ҳам энг юқори самара келтирувчи соҳа ва тармоқларга йўналтириш зарурлигини англатади. Шунга кўра, иқтисодиётнинг муайян тармоқ ёки соҳаларига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бир неча тарзда амалга оширилиши мумкин (1-расм).

Масалан, ҳали инвестиция маблағларини соҳа ёки тармоққа бевосита жалб этмасдан туриб, муайян усуллар ёрдамида унинг эҳтимолий самарадорлигини олдиндан ҳисоб-китоб қилиш асосида баҳолаш. Тўғри, мазкур усулда хорижий инвестицияларнинг самарадорлик даражасига таъсир этувчи барча омилларни тўлиқ эътиборга олиш имкони чекланган бўлади. Бироқ, ушбу ёндашув, бошқа тенг шароитларда, муайян тармоқ ёки соҳага жалб қилиниши мумкин бўлган инвестицион ресурсларнинг қай даражада ишлатилишини тахминий равишда тасаввур қилиш ва маълум хулосалар чиқаришга имкон яратади.



1-расм. Хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодий самарадорлигини баҳолашдаги ёндашувлар¹.

Яна бир усул – бу муайян тармоқ ёки соҳага жалб этилган хорижий инвестициялардан фойдаланиш давомида, маълум муддатдан кейин, амалдаги натижалар (реал маълумот ва рақамлар) асосида баҳолаш ҳисобланади. Мазкур ёндашувнинг афзаллиги шундаки, унда хорижий инвестициялардан фойдаланиш жараёнидаги барча омиллар нисбатан тўлиқ қамраб олиниб, инвестор ҳамда инвестицияни бевосита қабул қилувчи хўжалик юритувчи субъект томонидан тўғри хулосалар чиқариш ва келгуси хатти-ҳаракат учун асос бўлувчи маълумотларга эга бўлиш имконини беради.

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодий самарадорлигини баҳолашда унинг асосий тамойилларини белгилаб олиш муҳим ҳисобланади. Чунки, мазкур тамойиллар иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг жуда серқирра ва мураккаб жараёнида асосий жиҳатларни эътибордан четда қолишининг олдини олиб, унинг мақсадга мувофиқлигини таъминлайди.


Фикримизча, хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодий самарадорлигини баҳолашда унинг қуйидаги асосий тамойилларини ажратиш мумкин (2-расм).

¹Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Мазкур тамойилларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтаимиз.

1) баҳолашнинг хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнига қаратилгани. Шуниси эътиборлики, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланиш бир неча жараёнларни ўз ичига олувчи фаолият бўлиб, бу ўринда самарадорликни баҳолаш айнан уларни жалб этиш жараёнига қаратилади. Хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнининг ўзи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тармоқ ёки соҳа хусусиятидан келиб чиққан ҳолда потенциал хорижий инвесторларни излаб топиш;
- потенциал хорижий инвесторларга тармоқ ёки соҳанинг инвестицион жозибадорлиги тўғрисида маълумот бериш ва аниқ тасаввур ҳосил қилиш;
- хорижий инвесторлар билан тармоқ ёки соҳага инвестиция киритиш бўйича дастлабки келишув (битим)лар тузиш;
- тармоқ ёки соҳа доирасида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг аниқ шарт-шароитлари, техник-иқтисодий асослашлар, бизнес-режа ва бошқа шу каби инвестицион ҳужжатларни ўз ичига олган дастурларини ишлаб чиқиш;
- инвестиция шартномалари асосида тармоқ ёки соҳа корхоналарига хорижий инвестицияларни бевосита жалб этиш.
- жалб этилган хорижий инвестицияларни оптимал тақсимлаш ва назорат қилиш;



2-расм. Хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг асосий тамойиллари².

Бундан кўринадики, хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнини самарали ташкил этиш юқорида қайд этиб ўтилган ҳар бир жиҳатнинг самарали ташкил этилишини тақозо этади;

2) баҳолашда миқдор ва сифат кўрсаткичларидан уйғун ҳолда фойдаланиш. Одатда кўплаб иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни бирон-бир жиҳатдан баҳолашда устун равишда миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бироқ, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш миқдорий тавсиф билан бир қаторда сифат тавсифини ҳам уйғунликда қўлланилишини тақозо этади. Чунки, тармоқ ёки соҳага хорижий инвестициялар жалб этишнинг самарадорлиги мазкур жараёндаги миқдор орқали ифодалаш мумкин бўлмаган, бироқ сифат кўрсаткичлар орқали ифодаланувчи ҳаракатлар, муносабатлар ва ўзаро таъсирларнинг мажмуи сифатида намоён бўлади;

3) хорижий инвестициялар жалб этилаётган тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиш. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг юқори ўринда кўрсатиб ўтилган кўп босқичли жараёни турли тармоқ ёки соҳалар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фарқланиши мумкин. Айрим тармоқ ёки соҳаларда инвестициялардан олинadиган фойда нормаси юқори бўлганлиги сабабли хорижий инвесторларнинг ўзи кўпроқ манфаатдорлик ва ташаббускорликни намоён этса, бошқаларида фойда нормасининг пастлиги ёки таваккалчилик даражасининг юқорилиги боис хорижий

²Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

инвестициялар асосан ҳукумат кафолати асосида киритилиши мумкин. Шунингдек, айрим тармоқ ёки соҳаларда мазкур фаолият билан шуғулланиш учун махсус рухсат (лицензия) талаб этилиши ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келишига таъсир кўрсатиши мумкин. Шу каби тармоқ хусусиятлари хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнида ҳисобга олиниши муҳим шартлардан бири ҳисобланади;

4) хорижий инвестицияни жалб этишда давлатнинг иштирокини ҳисобга олиш. Ҳар қандай миллий иқтисодиётда юқори даражадаги ижтимоий ҳамда стратегик аҳамият касб этувчи тармоқ ва соҳалар мавжуд бўлиб, мазкур тармоқларга инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши давлат томонидан тартибга солинади. Шунга кўра, хорижий инвестицияни жалб этишда давлатнинг иштирокини ҳисобга олиш, ушбу инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида уларни давлат кафолати остида жалб қилиш бу борадаги муҳим тамойиллардан бири ҳисобланади;

5) жалб этилган инвестицияларнинг таркибий тузилмаси ҳолатини ҳисобга олиш. Хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини баҳолашда жалб этилган инвестицияларнинг таркибий тузилмаси ҳолати муҳим ўрин тутди. Чунки, хорижий инвестор томонидан таклиф этилаётган инвестицион ресурсларнинг қанчаси реал, қанчаси молиявий инвестиция, қанчаси тўғридан-тўғри, қанчаси эса портфель инвестиция эканлиги мазкур жараён самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунингдек, хорижий инвестицияларнинг технологик жиҳатдан таркибий тузилиши, яъни уларнинг қурилиш-монтаж ишларига, жиҳоз, асбоб-ускуна, инвентарлар сотиб олишга ҳамда бошқа капитал ишлар ва сарф-харажатлар (лойиҳа-қидирув, ерларни ўзлаштириш, кадрлар тайёрлаш ишлари) ажратилган қисмларининг нисбатини тўғри белгиланиши ҳам муҳим.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини баҳолашда фармацевтика саноати истиқболли тармоқлардан бири сифатида муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги шароитда мамлакатимиз фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодий самарадорлигини тизимли равишда баҳолаб боришнинг зарурлиги қуйидаги ҳолатлар орқали изоҳланади:

- фармацевтика саноати иқтисодиётимизнинг нисбатан янги, бироқ салоҳияти жиҳатидан юқори бўлган истиқболли тармоқларидан бири ҳисобланади;

- мамлакатимизда фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш ва унинг ишлаб чиқариш миқёсларини нафақат миллий, балки минтақавий ва жаҳон даражасида сезиларли равишда кенгайтириш учун етарли шарт-шароит мавжуд;


- фармацевтика саноатининг техник-технологик даражаси шу қадар тез ривожланмоқдаки, мазкур тармоқнинг жаҳон миқёсидаги рақобатдошлигини таъминлаш ва ўстириб бориш кўплаб чора-тадбирлар қаторида самарали инвестиция сиёсати ҳам боғлиқ;

- жаҳон фармацевтика саноатининг жадал ривожланиши турли мамлакатлар миллий саноатига ўз маҳсулотлари бренд ва савдо маркаларини изчил равишда жорий этиб бориш билан боғлиқ бўлиб, бу пировардида миллий фармацевтика саноатининг ривожланиш истиқболларига жиддий таъсир кўрсатади. Шунга кўра, миллий фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этишда унинг иқтисодий, ташкилий, ижтимоий, технологик ва бошқа шартларини чуқур ўрганиш ва шу аснода инвестицион ҳамкорларни танлаш муҳим ҳисобланади;

- фармацевтика саноатининг маҳсулотлари ўз тавсифига кўра жуда катта ижтимоий аҳамият касб этиб, у аҳоли саломатлик даражасини юксалтириш орқали унинг турмуш даражасига сезиларли таъсир кўрсатади.

Фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодий самарадорлигини баҳолаш жараёни ўта мураккаб бўлгани сабабли унинг алгоритмини тузиб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фикримизча, мазкур баҳолаш алгоритми ўз ичига маълум тайёргарлик жараёнларини олувчи дастлабки босқич, тармоққа хорижий инвестицияларни жалб этишни бевосита ташкилий масалаларини баҳолаш билан боғлиқ ташкилий-амалий босқич, хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодий самарадорлигини баҳолашда қўлланилувчи турли усул ва ёндашувлар, ҳисоблаш амалларини тақозо этувчи услубий-ҳисоб-китоб босқичи ҳамда баҳолаш натижасида шакллантирилувчи хулосалардан иборат якуний босқични олиши лозим (3-расм). Қуйида биз мазкур босқичлар ва уларда амалга оширилувчи таомилларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.



3-расм. Фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодий самарадорлигини баҳолаш алгоритми³.

Фикримизча фармацевтика саноати тармоғига хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини баҳолаш мақсадига эришиш учун қўшимча услубий ёндашувлар амалга

³Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

оширилди. Тармоқдаги қатор фармацевтика компанияларида ўтказилган монографик тадқиқотлар натижасида хорижий инвестициялар киритиш бўйича тузилган шартномалар, уларни амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган бизнес-режа ёки инвестицион лойиҳалар бажарилишида белгиланган муддатидан ортда қолиши кузатилди.

Бунга асосий сабаб инвестиция киритиш бўйича шартнома тузиш, техник-иқтисодий асослаш ва инвестиция лойиҳасини тасдиқлаш чоғида инвестиция қабул қилувчи томонидан кўзда тутилган шартларнинг бажарилмаслиги, шароитлар яратилмаслиги ҳисобланади. Натижада кўплаб инвестицион дастур ва лойиҳаларда кўзда тутилган натижаларга эришмаслик, қўлга киритилиши мумкин бўлган имкониятларнинг бой берилиш ҳолатлари вужудга келади.

Тармоққа жалб этилган хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда бой берилган имкониятлар таъсирини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Бироқ уларнинг қийматини аниқлаш мураккаб бўлиб, бу борада алоҳида услубдан фойдаланиш таклиф этилган:

$$УИ_{66} = \sum_{i=1}^n ОИ_i = \sum_{i=1}^n (РН_t - АН_t) \times У_i,$$

бу ерда:

УИ₆₆ – бой берилган имкониятнинг умумий қиймати, млн. сўм;

ОИ_i – муайян i омил таъсирида бой берилган имконият қиймати, млн. сўм;

РН – муайян даврда лойиҳа (бизнес-режа)да режалаштирилган молиявий натижа, млн. сўм;

АН – муайян даврда амалда эришилган молиявий натижа, млн. сўм;

У_i – молиявий натижа бўйича юзага келган тафовутда муайян i омил таъсирининг улуши, фоиз;

t – бой берилган имконият қиймати аниқланаётган давр (ой, чорак, йил);

i=1...n – омиллар сони.

Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини жалб этиш жараёнидаги бой берилган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш учун инвестициялар иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашнинг мавжуд, анъанавий кўрсаткичларини ҳисоблаш тартибида муайян ўзгаришлар амалга оширилди. Яъни, инвестициядан олинadиган молиявий натижалар (соф фойда ва ўртача даромад) қиймати билан бир қаторда бой берилган имкониятлар қиймати ҳам ҳисобга олинди.

Баҳолаш жараёни фармацевтика саноати тармоғидаги хорижий инвестицияларга бўлган умумий эҳтиёжни аниқлашдан бошланади. Таъкидлаш керакки, мазкур эҳтиёжни аниқлаш маълум мушкулликларга эга. Чунки, унинг натижаси фармацевтика саноати тармоғини ўрта ва узоқ истиқболдаги ривожлантириш мақсадлари ва мўлжалларига боғлиқ.

Тармоққа инвестициялар киритишни прогнозлаштириш жараёни иккита изчил босқичдан иборат: 1) мўлжалланган давр учун зарур бўлган инвестиция ҳажмининг ҳисоб-китоби; 2) инвестицияларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини аниқлаш.

Дастлабки босқичдаги ҳисоб-китобларнинг катта кўлами ва мураккаблиги фармацевтика маҳсулотлари бозори ва корхоналаридаги муайян иқтисодий ҳолатларнинг мумкин бўлган вариантларига боғлиқ бўлади:

1) миқдорий ва сифат тавсифига кўра бозор талаби тўлиқ қондирилади, шунга кўра тегишли корхоналарда маълум маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга эҳтиёж мавжуд бўлмайди. Бунда корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини шунчаки амортизация ажратмалари ҳисобига қайта тиклаш етарли бўлади. Бунинг учун зарур бўлган инвестициялар ҳажми янги асбоб-ускуналарга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисобланади;

2) корхона маҳсулотига талаб доимо ўсиб боради, шунга кўра, ишлаб чиқарувчи қўшимча ишлаб чиқарувчи қувватларни ҳаракатга келтириш ёрдамида ишлаб чиқариш ҳажмини тегишли равишда кўпайтиришдан манфаатдор бўлади. Ушбу вариант тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини олдиндан ишлаб чиқилган лойиҳа бўйича техник қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ёки кенгайтириш орқали зарур бўлган ҳажмгача кўпайтириш мақсадида асосий фондлар ва ижтимоий инфратузилма объектларининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини амалга оширишни кўзда тутади.

Тармоқ корхоналари ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришнинг бундай варианты уларни техник қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш дастурини пухта ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунинг учун олдин қуйидаги асосий гуруҳларни қамраб олувчи кўрсаткичлар тизими бўйича ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий ва ташкилий даражасини таҳлил қилиш ва баҳолаш лозим:

- ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан жиҳозланганлиги ва асбоб-ускуналарнинг техник даражаси;
- қўлланилаётган технологияларнинг замонавий талабларга мувофиқ келиши;
- маҳсулотнинг техник жиҳатдан даражаси ва сифати;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси.

Иқтисодий ҳолатнинг ушбу варианты бўйича инвестициялар зарур ҳажмини аниқлаш учун режалаштириш босқичидан келиб чиққан ҳолда иккита усул қўлланилади: биринчиси – дастлабки тахминий ҳисоб-китоблар (ишлаб чиқариш қувватлари қўшимча ўсишининг бир бирлигига тўғри келувчи инвестициялар солиштира салмоғи кўрсаткичлари асосида); иккинчиси – бевосита ҳисоб-китоблар (корхоналарни техник қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ёки кенгайтиришнинг смета маълумотлари бўйича);

3) сотишга таклиф қилинаётган маҳсулотга бозор талабининг кескин қисқариши мавжуд; бу ҳолатда корхоналар ёки уни модернизациялаш, ёки зудлик билан янги, рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этишга мажбур бўлади.

Ушбу вариант нафақат тармоқ корхоналари асосий фондларини шунчаки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини, балки ишлаб чиқаришнинг техник-технологик базасини тубдан қайта қуришни тақозо этади. Бунда зарур инвестиция ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш иккинчи вариант схемаси бўйича олиб борилади. Бироқ, бу ўринда қўшимча равишда янги маҳсулотларнинг маркетинг тадқиқотлари ва лойиҳалаштириш билан боғлиқ аҳамиятли капитал сарфларни ҳисобга олиш зарур. Бундай шароитда корхоналар ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, демак, инвестиция ресурсларини сафарбар этишга тайёр бўлишлари лозим⁴.

Алгоритмни ишлаб чиқиш ва қўллашдан мақсад фақат тармоққа хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини баҳолашдан иборат эмас. Балки, мазкур баҳолаш замирида фармацевтика саноатида хорижий инвестициялар самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳам тизимли таҳлил қилиш ҳам кўзда тутилади. Бу борадаги ишлар алгоритмнинг якуний босқичида амалга оширилади.

Якуний босқичнинг асосий эътибори хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини пасайтираётган жиҳатларни ўрганишга қаратилган. Яъни, юқорида босиб ўтилган барча таомилларни батафсил таҳлил қилиш асосида тўлиқ ишламаётган механизм ёки жиҳатлар аниқланади, уларнинг сабаблари тадқиқ этилади.

Фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини пасайтирувчи сабаблар очиб берилгандан кейин, уларни бартараф этиш ёки хорижий инвестицияларни жалб этишни кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга киришилади.

Фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлиги кўп жиҳатдан хорижий инвестицияларнинг таркибига ҳам боғлиқ. Шунга кўра, алгоритм таомиллари ичида хорижий инвестициялар таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларининг киритилиши ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодий самарадорлигини баҳолаш алгоритмининг шакллантирилиши ва унда белгиланган таомилларнинг изчил равишда амалга оширилиши бу борадаги натижаларнинг юқори бўлишига имкон яратади.

Хулоса ва таклифлар

1. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишни жадаллаштиришда тармоқ хусусиятларининг эътиборга олиниши муҳим ўрин тутиб, уни икки жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин: 1) тармоқнинг ташкил этилиши жиҳатидан хусусиятлари (масалан, ташкил этилиш тавсифи, тармоқ фаолияти эркинлиги, технологик даражаси, тақозо этилувчи капитал ҳажми); 2) тармоқнинг амал қилиши жиҳатидан хусусиятлари (масалан, ишлаб чиқаришнинг мавсум ёки табиий шароитга боғлиқлиги, таваккалчилик даражасининг кучлилиги, маҳсулотнинг стандарт ёки табақалашганлик даражаси).

⁴Определение необходимого объема и источников финансирования производственных инвестиций. - <http://buklib.net/books/25943/>

2. Фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодий самарадорлигини баҳолаш жараёни ўта мураккаб бўлгани сабабли унинг алгоритмини тузиб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур баҳолаш алгоритми ўз ичига маълум тайёргарлик жараёнларини олувчи дастлабки босқич, тармоққа хорижий инвестицияларни жалб этишни бевосита ташкилий масалаларини баҳолаш билан боғлиқ ташкилий-амалий босқич, хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодий самарадорлигини баҳолашда қўлланилувчи турли усул ва ёндашувлар, ҳисоблаш амалларини тақозо этувчи услубий-ҳисоб-китоб босқичи ҳамда баҳолаш натижасида шакллантирилувчи хулосалардан иборат якуний босқични ўз ичига олиши лозим.

3. Тармоққа жалб этилган хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда уларни мақсадсиз тақсимлаш ёки самарасиз фойдаланиш таъсирини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

4. Алгоритм таомиллари қаторига киритилган тармоққа жалб этиладиган хорижий инвестициялар таркибий тузилмасининг оптимал ва амалдаги нисбатини аниқлаш ҳам мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, ишда фармацевтика саноатига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг технологик жиҳатдан оптимал ва амалдаги таркибий тузилмалари ўртасидаги мувофиқлик даражасини баҳолаш усули таклиф этилган.

5. Алгоритмда тармоққа хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини баҳолаш замирида мазкур жараёнга таъсир кўрсатувчи омилларни ҳам тизимли таҳлил қилиш ҳам кўзда тутилади. Бу якуний босқичда амалга оширилиб, асосий эътибор хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини пасайтираётган жиҳатларни ўрганишга қаратилади. Яъни, юқорида босиб ўтилган барча таомилларни батафсил таҳлил қилиш асосида тўлиқ ишламаётган механизм ёки жиҳатлар аниқланади, уларнинг сабаблари тадқиқ этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Инвестиционный гайд по фармацевтической отрасли Республики Узбекистан. Ташкент, 2013.

2. Холматова М. Фармацевтика: Изчил ислохотлар натижаси. - <http://xs.uz/>

3. В Узбекистане действуют 139 фармацевтических предприятий, выпускающих более 1300 лекарственных препаратов <http://news.uzreport.uz/>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2012 йил 10 апрель, ПФ-4434-сон.

5. Перспективы фармацевтического рынка Узбекистана. - <http://www.apteka.ua>

6. Фармпредприятия Узбекистана выпускают более 1,5 тысяч лекарственных средств. - <http://review.uz/>

7. В столице обсудили развитие фармацевтической промышленности. - <http://www.anons.uz/>

8. Объем узбекского рынка лекарственных средств к 2020 году увеличится более чем в 3 раза. - <http://www.12news.uz/>